**Ш А Р Т Н О М А № 4**

«20» январ 2021 йил Поп шаҳри

"Ўзбекистон Почтаси" ОАЖ Наманган филиали Поп туман почта алоқа тармоғи бундан буён «Хизмат курсатувчи» деб аталувчи номидан И. Жураев бир томондан, Поп туман ҳокимлиги бундан буён «Истеъмолчи» деб аталувчи номидан М. Исмоилжуров иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тўздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома буйича «Хизмат курсатувчи», « Истеъмолчи» га қуйидаги маҳсулотни

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Конверт | Дона | - | - | - |
| 2 | Конверт катта | Дона | - | - | - |
| 3 | Марка | Дона | 710 | 3800 | 2698000 |
| 4 | Марка Заказ | Дона | - | - | - |
| | Жами | | 710 | 3800 | 2698000 |

юқорида кўрсатилган миқдорда етказиб беради, «Истеъмолчи» эса мавжуд бюджет маблағлари ҳисобидан амалдаги қонун ҳужжатларига асосан расмийлаштиради ва белгиланган тўлов қоидаларига риоя қилган ҳолда ўз ҳисоб рақамидан тўловларни амалга оширади.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ, ХИЗМАТ КЎСАТИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 2698000 (икки миллион олти юз тўқсон саккиз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Ушбу тегишли томонлар томонидан имзоланиб, ғазначиликдан ((Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2850-сон билан рўйхатдан ўтган "Бюджет тизими бюджеларининг газна ижроси коидалари" га асосан) рўйхатдан ўтгандан сўнг «Истеъмолчи» томонидан «Хизмат курсатувчига» олинадиган «маҳсулот» учун олдиндан 30% тўловни амалга оширади.

2.3. « Хизмат курсатувчига » олдиндан тўлов ўтганидан сўнг шартномага мувофиқ белгиланган микдорда ва муддатларда маҳсулот етказиб беради.

2.4. «Истеъмолчи» маҳсулотни тегишли ҳужжатларга асосан қабул қилиб олгандан сўнг тўлиқ ҳисоб-китобни амалга оширади ва унинг муддати 30 кундан ошмаслиги керак.

2.5. Барча ҳисоб-китоблар накд пулсиз, пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## III. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилиши таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. « Хизмат курсатувчига » қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- етказиб берилган маҳсулот ҳақини «Истеъмолчи» томонидан ўз вақтида ўтказиб берилмаган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Истеъмолчи» дан талаб қилиш;

- шартномага мувофик етказиб берилган маҳсулотни «Истеъмолчи» томонидан қабул қилиниши асоссиз рад этилган ҳолларда зарар қопланишини «Истеъмолчи» дан талаб қилиш.

4.2. «Хизмат курсатувчига» қуйидагиларга мажбур:

- «Истеъмолчи» томонидан олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг 10 кун муддат ичида маҳсулотни «Истеъмолчи» га етказиб бериш;

- « Хизмат курсатувчига » маҳсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофиқлиги таъминлаши;

- «Истеъмолчи» томонидан маҳсулотни қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни «Истеъмолчи» талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.

4.3. «Истеъмолчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- «Хизмат курсатувчига» дан маҳсулот сифатини талаб қилиб олиш;

- мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини «Хизмат курсатувчига» дан талаб қилиш.

4.4. «Истеъмолчи» қуйидагиларга мажбур:

- шартномага мувофиқ етказиб берилган маҳсулотни «Хизмат курсатувчига» томонидан «Истеъмолчи» га етказиб берилгандан сўнг 30 кун муддат ичида тўлиқ ҳисоб-китобни амалга ошириш.

## V. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. «Хизмат курсатувчига» га олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг маҳсулотни белгиланган муддатларда етказиб бермаган ҳар бир куни учун шартнома суммасининг 0.5 % миқдори «Истеъмолчи» га пеня тўлайди. Бироқ жами пеня суммаси шартнома суммасининг 50 % идан ошмаслиги керак.

5.2. «Хизмат курсатувчига» томонидан маҳсулот «Истеъмолчи» га етказиб берилгандан сўнг белгиланган муддатларда амалга оширилмаган тўлиқ ҳисоб-китобнинг ҳар бир кечиккан куни учун «Хизмат курсатувчига» га «Истеъмолчи» шартнома суммасининг 0.5 % миқдорида пеня тўлайди. Бироқ жами пеня суммаси шартнома суммасининг 50 % идан ошмаслиги керак.

## VI. НИЗОЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низолар келиб чиққан ҳолларда, томонлар мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳаклидир.

## VII.ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Форс-мажор ҳолатлари, жумладан, ер кимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва кўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва кўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада масъул вакиллар томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ мажбурий рўйҳатга олинган кундан кучга киради).

8.2. Шартнома ғазначиликдан рўйҳатдан ўтгандан сўнг (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2850-сон билан рўйҳатдан ўтган "Бюджет тизими бюджеларининг газна ижроси коидалари" га асосан) амал қилиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача белгиланади.

8.3. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонлар келишувига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжаларида назарда тутилган ҳолларда;
- форс-мажор ҳолатларида.

## IX. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома икки нусҳада тузилди. Шартноманинг ҳар иккала нусҳаси тенг юридик кучга эга.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

| «Хизмат курсатувчига» | «Истеъмолчи» |
| --- | --- |
| **Поп почта алоқа тармоғи**<br>**ИНН: 200833833**<br>**Манзил: Поп шаҳри М.Хакимов кўча 2-уй**<br>**ХР: 20210000200155266118**<br>**МФО: 00240 ОКОНХ: 52100**<br>**Банк: ОАТБ Қишлоқ-Қурилиш банк Поп туман фил.**<br>**Телефон: 43-31-313** | _Ташкилот номи: Поп тумани ҳокимлиги<br>Поп ш Мотишлон кўча 5уй<br>ш/х/в 400022860142970112040120001<br>ИНН: 200088953 МФО 00014<br>Тошкент ш ХККМ<br>х/р 23402 000 300100001010<br>ИНН 201122919 00014. Тшхккм |
| Раҳбар: ______ И. Жураев | Раҳбар: ______ М.Искандаров |

Юрист: ______ Юрист: ______ Э.Мурадова

ЮК-006743

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № **10-001310**

**2014 yil "06" avgust** № **001310**

Mazkur guvohnoma ***"O'ZBEKISTON POCHTASI"***

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli: ***Aksiyadorlik jamiyati*** THSHT (ОПФ) ***1151***

Mulkchilik shakli: ***Aksiyadorlar*** MSHT (ФС) ***144***

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili: ***OLOY KO'CHASI, 1-UY*** MHBT (СОАТО) ***1726266***

Yuridik shaxs kodi: KTUT (ОКПО) ***14842719***

Asosiy faoliyat turi: ***Pochta aloqasi*** XXTUT (ОКОНХ) ***52100***

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami: STIR (ИНН) ***200833833***

Qo'shimcha ma'lumotlar: ***AVVAL, 2004 YIL 11 OKTABRDA RO'YHATDAN O'TGAN***

Vakolatli organ boshlig'i: ***V.K.Mamedov***

GUVOHNOMANI QALBAKILASHTIRISH QONUN TOMONIDAN TA'QIB QILINADI